

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил март ойининг 18 куни жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди, Яшнобод тумани “Яшнобод” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья Б.Икрамовнинг раислигида, З.Маликовнинг котиблигида, давлат айбловчилари - Яшнобод туман прокурорининг ўринбосари Х.Исхаков ва туман прокурорининг ёрдамчиси С.Акилов, судланувчи Д.Юсупова ва унинг ҳимоячиси адвокат Ш.Баратовнинг иштирокида, [REDACTED] оид 1-1009-2202/43-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 1998 йил 15 июлда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, Тошкент Давлат педагогика университетининг 4-босқич талабаси, турмушга чиқмаган, судланмаган, вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар, Янгиҳаёт тумани, Турсунзода кўчаси, 11-уй, 37-хонадонда яшайди, гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 26 январда олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, гувоҳлар ва қўшимча гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

[REDACTED] фоҳишахона ташкил этиш ва сақлаш мақсадида, 2021 йил 12 ноябрь куни соат 22:30 ларда Яшнобод тумани, Авиасозлар 4-даҳаси, 7-уйда жойлашган “Соғломлаштириш маркази” номли массаж қилиш хонасида бўла туриб, Б.Ахмедов ва И.Олимжоновларнинг ҳар биридан 300.000 сўмдан жами 600.000 сўм пулларини олиб, эвазига Б.Ахмедов ва А.Махмудовага ҳамда И.Олимжонов ва К.Болтабоевага массаж ва жинсий алоқа қилишлари учун массаж хонасидан шароит яратиб берган.

Яшнобод тумани ИИО ФМБ 2-сонли ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбир давомида Д.Юсупова ушланиб, холислар иштирокида, ундан жами 600.000 сўм пуллар ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, айбига иқрорлик билдирмасдан, тергов даврида берган кўрсатувларини қисман тасдиқлашини, у 2021 йил октябрь ойдан буён Яшнобод тумани,



Авиасозлар 4-даҳасида жойлашган “Соғломлаштириш маркази” номли СПА салоида иш бошқарувчи бўлиб ишлаб келганини, бу ишни “ОЛХ” интернет ижтимоий тармоғи орқали топганлигини, салонни Нурмухамедов Рамзиддин исмли шахсдан ижарага ойига 2.000 АҚШ доллари эвазига олиб, фаолият юритиб келганини, “Соғломлаштириш маркази”нинг ҳақиқий эгаси унга нотаниш бўлган “Алибек” исмли шахс ҳисобланишини кейинчалик билганини, у СПА салонга келган мижозлардан массаж хизмати учун пул олиб, массажчи қизларга уларга тегишли улушини беришини, ушбу салонда бир неча хил массаж хизмати, яъни, “классика”, “спортивний”, “релакс”, “точний”, “микс”, “караловский” “султанский” каби турлари бўлганини, у массажчи қизлар билан 60/40 фоиз ва 50/50 фоиз шаклида, яъни агар мижоз реклама асосида келса, у мижоздан олган пулларни 60 фоизини олиб, қолганини массажчи қизга берганини, агар мижоз массажчи қизларнинг доимий мижози бўлса, у мижоздан олган пулларни 50 фоизини олиб, қолган қисмини массажчи қизларга бериб келганини, 2021 йил 12 ноябрь куни соат тахминан 22:00 ларда салонга 2 нафар мижоз массаж олиш мақсадида келганини, у мижозларга салондаги массажчи қизларни кўрсатганини, мижозлардан ўзини “Боходир” деб таништирган бола “Альбина” исмли массажчи қизни танлаб, “релакс” номли массаж олишини айтганини, “Икром” исмли мижоз эса “Комила” исмли массажчини танлаб, у ҳам “релакс” номли массаж олишини айтганини, у уларга ушбу массаж турининг нархи 300.000 сўм бўлишини айтганида, иккала мижоз ҳам рози бўлиб, унга 100.000 сўмлик купюрада бўлган жами 600.000 сўм пул беришганини, шундан сўнг мижозлар массажчи қизлар билан массаж қилишга мўлжалланган алоҳида хонага кириб кетишганини, бироздан сўнг тахминан соат 22:30 ларда СПА салоида ИИБ ходимлари холислар иштирокида кириб келиб, у ерда нималар бўлаётганлигини сўрашганида, уларга массажчи қизлар мижозларга хизмат кўрсатаётганлигини айтганини, шунда ИИБ ходимлари салондаги массаж учун мўлжалланган хоналарни бирма-бир кўздан кечирганида, массаж хоналарида массажчи қизлар ва мижозларни кийимсиз ҳолда кўришганини, массажчи қизлардан нима қилаётганларини сўрашганида, массажчи қизлар қўли билан мижозни жинсий аъзосини уқалаш билан жинсий эҳтиёжини қондирмоқчи бўлишганлигини айтишганини, шундан сўнг ИИБ ходимлари ундан мижозлардан олган пулларини тақдим этишни сўрашганини, у кассадан 600.000 сўм пулни олиб, ИИБ ходимларига берганини, ИИБ ходимлари пулларни олиб, ўзларидаги баённомадаги пулларнинг сериясига қараб текшириб кўришганини, текшириш вақтида ушбу пуллар баённомадаги пуллар билан бир хил эканлиги аниқланиб, пуллар баённома орқали расмийлаштириб олинганини, шундан сўнг ҳаммалари ИИБ биносига бориб, ҳолат юзасидан тушунтириш хатлари ёзиб беришганини, у СПА салоида фоҳишахона ташкил қилмаганини,



чунки у ушбу салонга келган мижозларнинг массаж қилиш учун танлаган массажчи қизлар билан жинсий алоқа қилишини билмаганини, у иш бошқарувчи сифатида мижозлардан фақат танлаган массаж тури учун пул олганини, суд жараёнида Рамзиддин тақдим қилган тилхатни унга нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси қўллаш ҳақидаги илтимосномаси рад бўлганидан сўнг, яъни уйга кетаётганида, тергов ишларини олиб борган суриштирувчи Бобур унга телефон қилиб, Рамзиддинни олдига СПА салонга бориб, унинг айтган гапларини тилхат асосида ёзиб беришни айтганини, тергов даврида суриштирувчи Бобур унга 1.130.000 сўм шахсий пулларини олганлигини ҳақида тилхат ёздирган бўлса-да, аслида унинг пулларини қайтариб бермаганини, уни ИИБ биносида бир ҳафта давомида ушлаб туришганини, шу вақт ичида унга йигити Дилшод озиқ-овқат олиб келиб турганини, давлат томондан таклиф қилинган адвокат ўзини тўлиқ таништирмагани ва уни ҳимоя қилмаганини, суриштирувчи Бобурдан яқин қариндошларига кўнғироқ қилиб олишни сўраганида рухсат бермаганини, тергов жараёнида суриштирувчи Бобур жиноят ишида тўпланган ҳужжатларни уни таништирмасдан имзо қўйдирганини, ҳозирда қилмишининг оқибатини англаб етганлигини, қилмишидан чин кўнғилдан пушаймонлигини, оилавий шароити оғирлигини, бошқа бу ҳолатни такрорламасликка ваъда беришини, унга нисбатан имкон қадар энгилроқ чора кўришни сўради.

Суд, иш бўйича тўпланган далилларга баҳо бериб, судланувчи Д.Юсупованинг жиноят содир этганликдаги айби, муҳокама қилинган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан исботланган деб ҳисоблайди.

Гувоҳ **И.Олимжонов** суд мажлисида, у тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлашини, 2021 йил 12 ноябрь куни соат тахминан 21:00 ларда у таниши Ахмедов Боходир билан Яшнобод тумани, Қорасув кўчасида жойлашган “Оқ тепа лаваш” номли кафе ёнида турган вақтида, уларнинг олдида фуқаролик кийимида бўлган шахслар келиб, ўзларини Яшнобод тумани ИИБ ходимлари эканликларини айтиб, ҳозирги вақтда “қўшмачилик қилиш ва фоҳишахона сақлаш” жиноятини олдини олиш мақсадида тезкор тадбирлар ўтказилаётганини ва уларга ушбу тадбирда иштирок этишни таклиф қилишганини, улар ушбу таклиф рози бўлишганини, ИИБ ходимлари уларга Яшнобод тумани, Авиасозлар 4-дахасида жойлашган “Соғломлаштириш маркази” номли СПА салонига мижоз сифатида киришларини айтишиб, у ва Б.Ахмедовнинг ҳар бирига 3 дона 100.000 сўмлик купюрадаги жами 600.000 сўм миқдоридаги пулларни беришиб, ушбу пулларнинг серия рақамларини баённома орқали расмийлаштиришганини, шундан сўнг шу куни соат тахминан 21:30 ларда у ва Б.Ахмедов билан биргаликда “Соғломлаштириш маркази” номли СПА салонига мижоз сифатида боришганини, уларни



Ўзини “Дилноза” деб таништирган администратор кутиб олганини, Дилноза уларга СПА салоида жами 8 хил массаж турлари борлигини айтганини, улар Дилнозадан қайси массаж тури яхши деб сўрашганида, Дилноза уларга “релакс”, яъни “майин массаж”ни таклиф қилиб, ушбу массаж ичига “майин массаж қилиб, қўл билан жинсий олатни уқалаб, жинсий эҳтиёжни қондириш” киришини айтганини, шунда улар ушбу массаж турининг жинсий алоқа қилиш билан бирга нархи қанча бўлишини сўрашганида, Дилноза ушбу массаж билан бирга жинсий алоқани жами 500.000 сўм бўлишини айтганини, улар Дилноза билан ҳар бири учун 300.000 сўмдан жами 600.000 сўм пул беришга келишиб, уларга тезкор тадбир учун берилган 600.000 сўм пулларни Дилнозага бериб, шу ерда бўлган 4 нафар массажчи қизлар ичидан Комила исмли қизни танлаб, массаж хонага кириб кетганини, массаж хонада у кийимларини тўлиқ ечиб ётганини, Комила уни массаж қилиб бўлганидан сўнг кийимларини ечиб, у билан жинсий алоқа қилмоқчи бўлган вақтида, хонага ИИБ ходимлари кириб келишиб, улардан нима қилишаётганини сўрашганида, у дастлаб массаж қабул қилиб, кейин Комила билан жинсий алоқа қилмоқчи бўлганлигини айтганини, шундан сўнг ИИБ ходимлари холислар иштирокида Дилнозадан улар “релакс” массажи ва жинсий алоқа учун берган жами 600.000 сўм пулларни олиб, баённомадаги пулларни серияси билан текшириб кўришиб, баённомадаги пуллар эканлигини аниқлашиб, тегишли тартибда расмийлаштириб олишганини, ҳозирда уларни тадбирда қатнашишга таклиф қилган ИИБ ходимларини эслолмаслигини, массажга келган вақтида у ерда тахминан 5-6 нафар ЖКБ ходимлари бўлганини, тадбирда ишлатиш учун унга ИИБ ходими 300.000 сўм берганини, уларга пул берилишидан олдин, далолатномага имзо қўйдиришганини, ИИБ ходимлари тезкор тадбирдан сўнг, пулларни ўзларига қайтариб беришларини айтишганини, Дилноза уларга “релакс” массажни ичида жинсий алоқа ҳам борлиги ҳақида қўли билан ишора қилиб кўрсатганини, лекин оғзаки айтмаганини, у Комила билан жинсий алоқа қилиб улгурмаганини, агар ИИБ ходимлари келиб қолмаганида жинсий алоқа қилган бўлишини, у илгари шунга ўхшаш тадбирларда иштирок этмаганини, тадбир жараёнини видеотасвирга олиш масаласи бўйича ИИБ ходимлари ўртоғи Б.Ахмедов билан гаплашганини, лекин унга айтишмаганини баён қилди.

Гувоҳ **Б.Ахмедов** суд мажлисида, тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлашини, 2021 йил 12 ноябрь куни соат тахминан 21:00 ларда у таниши Олимжонов Икром билан Яшнобод тумани, Қорасув кўчасида жойлашган “Оқ тепа лаваш” номли кафе ёнида турган вақтида, уларнинг олдига 3 нафар фуқаролик кийимида бўлган шахслар келиб, ўзларини Яшнобод тумани ИИБ ходимлари эканликларини айтиб, ҳозирги вақтда “қўшмачилик қилиш ва фоҳишахона сақлаш” жиноятини олдини олиш мақсадида тезкор



тадбирлар ўтказилаётганини ва уларга ушбу тадбирда иштирок этишни таклиф қилишганини, улар ушбу таклиф рози бўлишганини, ИИБ ходимлари уларга Яшнобод тумани, Авиасозлар 4-дахасида жойлашган “Соғломлаштириш маркази” номли СПА салонига мижоз сифатида киришларини айтишганини, унинг ёнида 200.000 сўм пули бўлганини, қолган 100.000 сўмини И.Олимжоновдан олиб турганини, у ва И.Олимжонов жами 600.000 сўм миқдорида пулларини ИИБ ходимларига холислар иштирокида беришганини, ИИБ ходимлари ушбу пулларнинг серия рақамларини баённома орқали расмийлаштириб, кейин уларга қайтариб беришганини, шундан сўнг шу куни соат тахминан 21:30 ларда у ва И.Олимжонов биргаликда “Соғломлаштириш маркази” номли СПА салонига мижоз сифатида боришганини, уларни ўзини “Дилноза” деб таништирган администратор кутиб олганини, Дилноза уларга СПА салонига жами 8 хил массаж турлари борлигини айтганини, улар Дилнозадан қайси массаж тури яхши деб сўрашганида, Дилноза уларга “релакс”, яъни “майин массаж”ни таклиф қилиб, ушбу массаж ичига “майин массаж қилиб, қўл билан жинсий олатни уқалаб, жинсий эҳтиёжни қондириш” киришини айтганини, шунда улар рози бўлмасдан СПА салондан чиқиб кетаётган вақтда, Дилноза уларга массаж ичига “майин массаж қилиб, қўл билан жинсий олатни уқалаб, жинсий эҳтиёжни қондириш”дан ташқари, қизларни жинсий алоқа қилишни ҳам қилдириб беришини қўли билан ишора қилиб кўрсатганини, шунда улар ушбу массаж турининг жинсий алоқа қилиш билан бирга нархи қанча бўлишини сўрашганида, Дилноза ушбу массаж тури билан бирга жинсий алоқани жами 500.000 сўм бўлишини айтганини, улар Дилнозага ҳар бири учун 300.000 сўмдан жами 600.000 сўм пул беришларини айтишганида, Дилноза рози бўлганини, сўнг улар тезкор тадбир учун расмийлаштирилган 600.000 сўм пулларни Дилнозага бериб, шу ерда бўлган 4 нафар массажчи қизлар ичидан Альбина исмли қизни танлаб, массаж хонага кириб кетганини, массаж хонада у кийимларини тўлиқ ечиб ётганини, Альбина уни массаж қилиб бўлганидан сўнг, у билан жинсий алоқа қилмоқчи бўлган вақтда, хонага ИИБ ходимлари кириб келишиб, улардан нима қилишаётганини сўрашганида, у дастлаб массаж қабул қилиб, кейин Альбина билан жинсий алоқа қилмоқчи бўлганлигини айтганини, шундан сўнг ИИБ ходимлари холислар иштирокида Дилнозадан улар “релакс” массажи ва жинсий алоқа учун берган жами 600.000 сўм пулларни олиб, баённомадаги пулларни серияси билан текшириб кўришиб, баённомадаги пуллар эканлигини аниқлашиб, тегишли тартибда расмийлаштириб олишганини, у тергов жараёнида ўзига тегишли бўлган 300.000 сўм пулларни ИИБ ходимларидан тилхат асосида қайтариб олганини, ИИБ ходимлари хонага киришганида, у ва Альбина яланғоч ҳолатда бўлишганини, ИИБ ходимлари унга ушбу тадбир жараёнини видеотасвирга олишларини,



шунингдек, хавфсизлик жиҳатидан қизлар билан жинсий алоқага киришмаслик ҳақида айтишганини, Альбина уни фақат массаж қилганини, улар жинсий алоқа қилмоқчи бўлган вақтида ИИБ ходимлари хонага кириб келишганини баён қилди.

Гувоҳ **Р.Нурмухамедов** суд мажлисида, у 2019 йил сентябрь ойдан буён Яшнобод тумани, Авиасозлар 4-дахаси, 52-уйда жойлашган “Соғломлаштириш маркази” номли хизмат кўрсатиш шахобчасида ишлаб келишини, “Соғломлаштириш маркази” 2 қаватдан иборат бўлиб, унинг ертўласи ҳам борлигини, ҳар иккала қаватда ҳам мижозларга хизмат кўрсатувчи СПА салони мавжудлигини, ертўлада эса сауна хизмати ҳам фаолият юритишини, унинг вазифасига СПА салони ва саунани оғзаки ижара орқали ишлашни хоҳловчи шахсларга бериб, улардан ижара пулларни йиғиб, ушбу объектни ижара шартномаси орқали расмийлаштириб олган Х.Соиповга бериб бориш кирганини, 1-қаватдаги СПА салони ва ертўладаги саунани ойига 2.000 АҚШ долларидан оғзаки келишувга асосан жами 4.000 АҚШ доллари эвазига ижарага бериб келишини, 2021 йил октябрь ойининг бошларида СПА салонига унга нотаниш бўлган кейинчалик билишича Д.Юсупова келиб, эълон орқали иш қидириб юрганлигини айтганини, шунда у унга СПА салонига иш борлигини айтганини, Дилноза ундан СПА салонини ишлатишга беришни сўраганини, у бу ҳақда Х.Соиповга айтганида, Х.Соипов унга Дилнозага ишга кириш учун ариза олишни ва ноқонуний ишлар билан шуғулланмаслиги тўғрисида огоҳлантиришни ва бу ҳақида тилхат ёздириб олишни айтганини, шунда Дилноза ноқонуний ишлар билан шуғулланмаслиги тўғрисида тилхат ёзиб берганини, шундан сўнг у 2021 йил 9 октябрь куни Д.Юсуповнинг аризаси асосида, унга 1-қаватдаги СПА салонини ижарага бериб, ундан 2.000 АҚШ долларини олиб, ушбу пулларни Х.Соиповга берганини, 2021 йил 12 ноябрь куни соат тахминан 22:30ларда “Соғломлаштириш маркази” жойлашган кўчадан ўтиб кетаётганида, ИИБ ходимлари СПА салонидан шу ерда массажчи бўлиб ишловчи қизларни олиб чиқиб кетишаётганини кўриб, ИИБ ходимларига ўзини “Соғломлаштириш маркази”да иш бошқарувчи бўлиб ишлашини айтиб, бўлган ҳолатни улардан сўраганида, ИИБ ходимлари унга ҳам ИИБ биносига боришни айтишганини, шундан сўнг у иш бошқарувчи бўлиб ишловчи Д.Юсупова СПА салонига массажчи қизлар билан мижозларни жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб берганлигини билганини баён қилди.

Қўшимча гувоҳ **У.Жамалов** суд мажлисида, у Яшнобод тумани ИИО ФМБ 2-сонли ИИБ ЖҚБ тезкор ходими лавозимида ишлашини, у 2021 йил 12 ноябрь куни Яшнобод тумани “Яшнобод” МФЙ раиси А.Жовлиевнинг аризасига асосан Яшнобод тумани, Авиасозлар 4-дахаси, 52-уйда жойлашган “Соғломлаштириш маркази” номли СПА салонига тезкор тадбир ўтказилганини, мазкур тадбирда тахминан 4-5



та ходим иштирок этганини, яъни тадбир Яшнобод тумани ИИО ФМБ 2-сонли ИИБ ЖҚБ бошлиғи Б.Дехканбаев раҳбарлигида, ходимлардан Ш.Тураев, Г.Авазов, Ў.Камолов, Ж.Хакимовлар иштирокида ўтказилганини, тадбирда Б.Ахмедов ва И.Олимжоновлар ўз ихтиёри билан иштирок этишганини, тезкор тадбир ўтказиш учун Б.Дехканбаевнинг қарори бўлганлиги ёки бўлмаганлигини эслолмаслигини, Б.Ахмедов ёки И.Олимжоновдан бири ўзининг пулларида жами 600.000 сўм пуллари тадбирда фойдаланиш учун уларга тақдим этганини, лекин айнан қайси бири тақдим этганини эслолмаслигини, тадбир иштирокчиларидан олинган пул маблағлари тегишли тартибда расмийлаштирилиб, Б.Ахмедов ва И.Олимжоновларга берилганини, шу куни соат тахминан 22:00 ларда Б.Ахмедов ва И.Олимжоновлар СПА салонига мижоз сифатида киришганини, тахминан 30 дақиқалардан сўнг улар холислар иштирокида СПА салонига киришганини, у ерда уларни кейинчалик билишича Д.Юсупова кутиб олганини, улар унга ўзларини ва холисларни таништириб, ушбу СПА салонига қандай хизматлар кўрсатилаётгани ҳақида сўрашганида, Д.Юсупова мижозларга массаж хизмати кўрсатилаётгани ҳақида айтганини, кейин улар массаж хоналарини текширишлари давомида, Б.Ахмедов ва кейинчалик билишича А.Махмудова, И.Олимжонов ва кейинчалик билишича К.Болтабоевалар жинсий алоқа қилиш мақсадида яланғоч ҳолатда бўлганлиги аниқланиб, улардан ҳолат ҳақида сўралганида, А.Махмудова ва К.Болтабоевлар мижозларни массажини тугатиб, жинсий алоқа қилмоқчи бўлиб туришганини, ушбу хизмати учун мижозлар Дилнозага 600.000 сўм тўлашганлигини айтишганини, шундан сўнг холислар иштирокида [REDACTED] жами 600.000 сўм пуллар ашёвий далил тариқасида олинганини, тезкор тадбир жараёни қонун талабига мувофиқ олиб борилганини, ИИБ ходимлари томонидан Д.Юсуповага нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар бўлмаганини баён қилди.

Кўшимча гувоҳ **Г.Авазов** суд мажлисида, у Яшнобод тумани ИИО ФМБ 2-сонли ИИБ ЖҚБ тезкор ходими лавозимида ишлашини, тезкор тадбир ўтказилишидан олдин “Соғломлаштириш маркази” номли СПА салонда жинсий алоқа хизматлари кўрсатилаётгани ҳақида хабар бўлганини, кейин “Яшнобод” МФЙ раиси ариза билан мурожаат қилганини, мазкур ҳолат бўйича тезкор гуруҳ ташкил қилиниб, тадбир ўтказилганини, тезкор тадбир ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинганидан хабари йўқлигини, ушбу тадбирда фуқаролар Б.Ахмедов ва И.Олимжоновлар иштирок этишга розилик билдириб, улардан бири 100.000 сўмлик купюрада бўлган 600.000 сўм тақдим қилишгани ва ушбу пуллар тегишли тартибда расмийлаштирилиб, Б.Ахмедов ва И.Олимжоновларга қайтариб берилганини, тезкор тадбир ўтказилиб, Д.Юсупова ва бошқалар ИИБ биносига олиб келинганидан сўнг, у



бошқа тезкор тадбирда иштирок этиш учун кетганини, Д.Юсупованинг ЖПК талабларига асосан ушлаб турилганидан хабари йўқлигини, Д.Юсуповага яқинларига телефон қилишга рухсат берилган ёки берилмаганини эслолмаслигини, Д.Юсупова тадбирдан сўнг ИИБ биносига олиб келинганида, унинг манфаатларини ҳимоя қилиши учун адвокат билан таъминланганини, Б.Ахмедов ва И.Олимжоновлар тадбирда ишлатилган пулларни ўзлари тақдим қилишганини баён қилди.

Қўшимча гувоҳ **Б.Хожимирзаев** суд мажлисида, у Яшнобод тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБда суриштирувчи лавозимида ишлашини, Д.Юсуповага нисбатан терговга қадар текширув ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатиб, суриштирув ҳаракатларини олиб борганини, суриштирув жараёнида 2021 йил 15 ноябрь куни Д.Юсуповага нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш ҳақида судга илтимоснома киритилганини, лекин суд томонидан мазкур илтимоснома рад қилинганини, шундан сўнг Д.Юсуповага нисбатан гаров эҳтиёт чораси қўлланилганини, суддан чиққанларидан сўнг Д.Юсупова уйига кетганини, икки кундан сўнг унга нисбатан гаров эҳтиёт чораси қўлланилганини, тадбирда қатнашган икки нафар холисларни топишни имкони бўлмаганлиги сабабли суриштирув ҳаракатларини муддати чўзилиб кетганини, кейин туман прокурори томонидан жиноят ишини суриштирув органидан дастлабки тергов органига ўтказиш ҳақида қарор чиқарилгани, шундан сўнг мазкур иш бўйича тергов гуруҳи тузилгани ва ушбу тергов гуруҳида у ҳам иштирок этганини, иш бўйича ўтказилган суриштирув ва дастлаб тергов жараёни ЖПК талабларига асосан олиб борилганини, туман прокурори томонидан жиноят ишини суриштирув органидан дастлабки тергов органига ўтказиш ҳақидаги қарорнинг асл нусхаси йиғмажилдда қолиб кетганини, ҳозирги кунда мазкур қарорнинг асл нусхасини судга тақдим қилишини, тезкор тадбир жараёнида ашёвий далил тариқасида олинган 1.130.000 сўм пулларни, Д.Юсуповага тилхат асосида тўлиқ қайтариб берганини, суриштирув жараёнида Р.Нурмухамедовни сўроқ қилганида, Д.Юсупова томонидан ижарага олган соғломлаштириш марказида ноқонуний ишлар билан шуғулланмаслиги ҳақида ёзган тилхатни унга тақдим қилганини, у мазкур иш бўйича фоҳишалик билан шуғулланганлик ҳолати юзасидан А.Махмудова ва К.Болтабоеваларнинг ҳаракатларига баҳо бериб, уларни Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 190-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида қарор қабул қилмаганини, тезкор тадбир жараёнида ашёвий далил тариқасида Д.Юсуповдан олинган жами 600.000 сўм пул маблағини қонуний эгалари Б.Ахмедов ва И.Олимжоновларга тилхат асосида қайтариб берганини баён қилди.



Қўшимча гувоҳ **Д.Каримов** суд мажлисида, Д.Юсупова унинг севган қизи эканлигини, Дилноза Яшнобод тумани, Авиасозлар 4-даҳаси, 7-уйда жойлашган “Соғломлаштириш маркази” номли СПА саломида иш бошқарувчи бўлиб ишлаганини, 2021 йил 12 ноябрь куни соат тахминан 22:30 ларда ушбу соғломлаштириш марказида Дилнозани кутиб ўтирганини, шу вақтда у ерга тахминан 8-9 нафар ИИБ ходимлари кириб келишиб, тезкор тадбир ўтказилаётганини маълум қилишганини, шундан сўнг ИИБ ходимлари у, Дилноза ва бошқаларни Яшнобод тумани ИИО ФМБ 2-сонли ИИБ биносига олиб кетишганини, эртасига куни уни ИИБ ходимлари қўйиб юборганини, тадбир ўтказилган куни унинг уяли телефони ва 300.000 сўм пуллари Дилнозанинг қора сумкасида бўлганини, ИИБ ходимлари унга уяли телефонини қайтариб беришганини, лекин 300.000 сўмни қайтариб беришмаганини, у 2021 йил 12 ноябрь кунидан 17 ноябрь кунига қадар Дилноза Яшнобод тумани ИИО ФМБ 2-сонли ИИБ биносида сақланганлиги сабабли, унга озиқ-овқат олиб келиб турганини, 2021 йил 15 ноябрь куни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимоснома суд томонидан рад қилинганидан сўнг, ИИБ ходимлари Дилнозани қўйиб юбормасдан, яна Яшнобод тумани ИИО ФМБ 2-сонли ИИБга олиб кетишганини, Яшнобод тумани ИИО ФМБ ходимлари унга “прокурор Дилнозага 30.000.000 сўм гаров пуллари қўйсин” деб айтганлигини маълум қилишганини, шундан сўнг у 2021 йил 17 ноябрь куни тушлиқдан сўнг Тошкент шаҳар ИИББга бориб, Дилнозага нисбатан гаров эҳтиёт чорасини қўллаш учун 30.000.000 сўм пул маблағини тўлаганини, кейин Дилнозани қўйиб юборишганини, Дилноза унга сумкасида бўлган 1.130.000 сўм пуллари ИИБ ходимлари қайтариб беришмаганини, лекин бу ҳақида тилхат ёздириб олишганлигини айтганини баён қилди.

Суд мажлисига келмаган, судда тарафлар розилиги билан кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ **А.Махмудова** мазкур ҳолат юзасидан тергов жараёнида қуйидагиларни, яъни, у 2021 йил 12 ноябрь кунидан Яшнобод тумани, Авиасозлар 4-даҳаси, Авиасозлар 5-тор кўчаси, 54-уйда жойлашган “Соғломлаштириш маркази” номли СПА саломида массажчи, яъни уқаловчи лавозимига ишга кирганини, бу ерда уни ушбу салонда иш бошқарувчи бўлиб ишлаб келган Дилноза исмли қиз кутиб олиб, ушбу салонда мавжуд бўлган шарт-шароитларни тушунтирганини, салонда жами 8 хил турдаги массаж хизмати борлигини, массаж турларини ичидан “релакс”, яъни “майин массаж бўлиб, жинсий эҳтиёжни қўл билан ишқалаб, сунъий тарзда қондириш” ҳам борлигини айтганини, Дилноза массагга келган мижозлардан олинadиган пул маблағларини 50/50 фоиз бўлишини, яъни у хизмат ҳақига 50 фозини олишини ва қолган 50 фозини эса Дилноза ушбу салонда шароит яратиб бериши учун олишини, шунингдек, яна 30.000 сўм миқдорида реклама учун ҳам пул беришини



лозимлигини айтганини, у Дилнозанинг таклифига рози бўлиб, иш бошлаганини, шу куни соат тахминан 22:00 ларда салонга 2 нафар унга нотаниш бўлган шахс мижоз сифатида кирганини, мижозлардан ўзини “Боходир” деб таништирган бола ундан массаж олишини айтиб уни танлаганини, Боходир “релакс” массаж хизмати ва жинсий алоқани нархи қанчалигини Дилнозадан сўраганини, Дилноза унга “релакс” массажи ва жинсий алоқа қилиш нархи 300.000 сўм бўлишини айтганини, шунда Боходир Дилнозага 100.000 сўмлик купюрадаги жами 300.000 сўм миқдорида пул берганини, шундан сўнг у Боходир билан салондаги массаж учун мўлжалланган алоҳида хонага кириб, Боходирни “релакс”, яъни “майин массаж” қилиб, массажни охирига етказиб бўлганидан сўнг, эғнидаги кийимларини тўлалигича ечиб, қўли билан Боходирни жинсий олатини уқалаб, унинг жинсий эҳтиёжини қондираётган вақтида хонага ИИБ ходимлари кириб келишиб, ундан нима қилаётганини сўрашганида, у ИИБ ходимларига мижозга “релакс” массаж хизмати кўрсатганини ва қўли билан уни жинсий олатини уқалаб жинсий эҳтиёжини қондириб, жинсий алоқа қилишларини айтиб, буни эвазига Боходир иш бошқарувчи Дилнозага 300.000 сўм миқдорида пул берганлигини айтганини, шундан сўнг ИИБ ходимлари томонидан холислар иштирокида Дилнозадан 300.000 сўм миқдоридаги пуллар расмийлаштирилиб олинганини, бундан ташқари Боходир исмли мижоз билан бирга келган Икром исмли мижозни у билан бирга ишловчи Комила исмли қиз “релакс” массаж қилганини ва буни эвазига у ҳам Дилнозага 300.000 сўм миқдорида пул берганлигини билганини, бу пулларни ҳам ИИБ ходимлари холислар иштирокида баённома орқали расмийлаштириб олишганини, шундан сўнг улар ИИБ биносига бориб, бўлган ҳолат юзасидан тушунтиришлар берганини баён қилган.

Суд мажлисига келмаган, судда тарафлар розилиги билан кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ **К.Болтабоева** гувоҳ А.Махмудованинг кўрсатувиغا ўхшаш кўрсатув берган.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, адвокат Ш.Баратовнинг фикрини тинглаб, судланувчи Д.Юсупова ушбу жиноятни содир қилмаганлигини суд мажлисида баён қилган бўлса-да, унинг ушбу важлари гувоҳлар ва қўшимча гувоҳларнинг тергов ва судда берган кўрсатувлари, А.Жовлиеванинг аризаси, тушунтириш хатлари, Д.Юсупованинг ариза ва тилхатлари, далилий ашёни ихтиёрий тарзда топшириш, далилий ашёни олиш, нарсани кўздан кечириш, дискни кўздан кечириш ва юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ рад қилинади. Ушбу важлар жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида ўйлаб топилган важлар деб баҳоланади.



Дастлабки тергов органи томонидан Д.Юсупованинг содир этган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчи Д.Юсуповага жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, аёллигини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 5-бандида: “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак”лиги, 37-бандида: “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим”лиги ҳақидаги раҳбарий кўрсатмаларга амал қилган ҳолда, судланувчи [REDACTED] муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароити оғирлигини, шартнома асосида олий ўқув юртида ўқишини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда қонун санкциясида белгиланган жарима жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни;

-жарима жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддаси талаби асосида, 2021 йил 12 ноябрь кунида амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақи, яъни 270.000 сўм миқдори ҳисобида ҳисоблашни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд иш бўйича ашёвий далил деб топилган ва дастлабки тергов жараёнида ишлатилган жами 600.000 сўм пуллар Б.Ахмедов ва И.Олимжоновларга ҳамда тезкор тадбир жараёнида олинган 1.130.000 сўм пуллар [REDACTED] тилхат асосида қайтарилганлигини эътироф этишни ва тезкор тадбир жараёни



ёзилган бир дона DVD дискни жиноят ишида сақлашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131-моддаси 2-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 (йигирма) баравари, яъни 5.400.000 (беш миллион тўрт юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Гаров тариқасида Тошкент шаҳар ИИББнинг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 30.000.000 (ўттиз миллион) сўм пуллар гаровга қўювчи Д.Каримовга қайтарилсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган жами 600.000 (олти юз минг) сўм пуллар Б.Ахмедов ва И.Олимжоновларга тилхат асосида қайтарилганлиги, шунингдек ашёвий далил тариқасида олинган 1.130.000 (бир миллион бир юз ўттиз минг) сўм пуллар Д.Юсуповага тилхат асосида қайтарилганлиги эътироф этилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган тезкор тадбир жараёни ёзилган бир дона DVD диск жиноят ишида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар судининг апелляция инстанциясига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

/имзо/

Б.Икрамов

Аслига тўғри:

